



Муборак Рамазон ойининг қачон кириши эълон қилинди

Бугун, 11 май куни Ўзбекистон мусулмонлар идораси мажлислар залида юртимизга Рамазон ойи кириб келиши ва уни тартибли ўтказиш бўйича матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда Дин ишлари бўйича кўмита раиси ўринбосари Нуримон Абулхасан, ЎМИ раиси ўринбосари Абдулазиз Мансур, имом-хатиблар, журналистлар ва диний таълим муассасалари ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманда Шайх Абдулазиз Мансур томонидан Рамазон ойининг 1-куни 17 май кунига тўғри келиши эълон қилинди.

Эслатиб ўтамиз, таквим нашрларида Рамазон ойи 16 май куни бошланиши кўрсатилган эди. Шу билан бирга ойнинг чиқиши таквимда кўрсатилган кундан 1 кунга фарқ қилиши мумкинлиги ҳам баён қилинган эди.

Таъкидлаймизки, 16 май куни масжидларимизда хатми Куръон бошланади.